

ШАРТНОМА № 1 лот № 58350

Самарқанд шаҳри

« 05 » апрел 2022 йил

«Нарзитош Маматова» ХК кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директор **Курбонов М.Х.** номидан, бир томондан ва «Тайлок туман Ҳалқ таълими булими» кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директор **Хожикулов Х.К** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйдагилар хакида туздилар.

I.ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ.

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»га « Тайлок туманидаги 40-сонли умумтаълим мактабини жорий тамирлаш» (кейинги ўринларда-«Ишлар» деб юритилади.) ишларни бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар»ни қабул қилиб ва қийматини тўлаш мажбурятини ўз зиласига олади.

1.2. «Ишлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек ишларни бажарилиш мудатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган иловада келтирилади:

т/р	Ишнинг номи	Бошлангич нархи	Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан (битим суммаси)
1	Тайлок туманидаги 40-сонли умумтаълим мактабини жорий тамирлаш	50 000 000	49 206 840
Жами:			

1.3 Шартноманинг умумий суммаси **49 206 840** (**Кирк туккиз миллион икки юз олти минг саккиз юз кирк**) сўмни ташкил этади.

1.4.Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: 2022 йил «05» апрел. Тугаши: 2022 йил «05 »май. «Бажарувчи» ишларни муддатидан олдин бажариш хуқиқига эга.

II.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРЯТЛАРИ.

2.1.«Буюртмачи»нинг-хуқуқлари:

2.1.1.«Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш:

2.1.2.«Бажарувчи»дан «Ишлар» «Буюртмачи»нинг ҳисобига транспорт харажатларини қоплашини талаб қилиш:

2.1.3.«Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар»ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» кўрсатилишини.

2.1.4.Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кура:

-зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшаш «Ишлар» билан алмаштирилишини:

-«Ишлар» нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан туғирланиши харажатларини қоплашни:

-баҳосининг мутаносиб таризда қайтарилишини талаб қилиш:

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш.

2.2. .«Буюртмачи»нинг мажбурятлари:

2.2.1. Ўз буюртмаси бўйича кўрсатилган «Ишлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш:

2.3. «Бажарувчи» қўйдаги хуқуқларга эга:

2.3.1.Кўрсатилган «Ишлар» учун олдиндан ҳак тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш:

2.3.2. Белгиланган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Ишлар»ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш

2.4. «Бажарувчи» қўйдагиларга мажбур:

2022 йил « 05 » апрел № 1-сонли шартноманинг 1-вараги

2.4.1.«Буюртмачи» га «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8- бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг бюртмасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш:

2.4.2.Агар «Ишлар»ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган, «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

III.ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **49 206 840** (Кирк туккиз миллион икки юз олти минг саккиз юз кирк) сўмни ташкил этади. Бажариладиган «Ишлар»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган «Ишлар» учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб килинади.

3.3. «Буюртмачи» мазкур шартномани Самарқанд вилояти бўйича Фазначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичida қонунчиликка мувофиқ шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасининг 30% миқдорида) олдиндан тқлаш мажбурятини олади, қолган 70% ини бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сунг 10 банк иш куни ичida қабул қилиш далолатномаси, ҳисобфактура в.б. асосида тўлайди.

IV.ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этилишига ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзgartiriшга йўл қўйилди, қонун ҳужжатларида белгилangan холлар бундан мустасно.

4.3. «Ишлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган холда кўрсатилган «Ишлар»ни қабул қилишини рад этишга хақлидир.

4.5. Назарда тутилган хажмдан ортиқча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортимента кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралди ва кўрсатилмаган «Ишлар»нинг ўрни тўлдириши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган холлар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи» нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилнади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» хажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» нинг бюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда «Бажарувчи» Бюртмачиларнинг бюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Бюртманома «Ишлар» нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мулжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Бюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган холда у қабул қилинганилиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган бюртманомани бекор қилишга ёхуд «ишлиар» нинг тегишли қисимларини кўрсатиш санасини ўзgartiriшга хақлидир, бу холда «Бажарувчи»ни бюртманомада кўрсатилган сана бошланишдан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

V.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, хажми «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши холлари аниқланадиган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар» нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини ҳисобга олган холда қайта ҳисоб-китоб қиласди, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари бюортамчига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (Эталонларга) ёки белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган тақдирда, айборд томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Ишлар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлади.

5.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбурятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюрмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлади. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Буюрмачи»га «Ишлар» бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлади.

5.4. Ишлар бажарилиш кечикирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюрмачи» га кечикирилган хар бир кун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пея тўлади, бироқ бунда пениянинг умумий суммаси бажарилмаган «Ишлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пения тўланиши шартнома мажбурятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажарилишидан ва «Ишлар» бажарилиш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ бажармаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишдан озод этилади.

5.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вақтида хақ тўланмагандан «Буюрмачи» «Бажарувчи»га муддати кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида маҳсус ҳисоб рақамидан пея тўлади, бироқ бу кечикирилган тўлов сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Буюрмачи» томонидан тегишли шартномаация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун «Буюрмачи»ни жавобгарлика тортиш шунингдек унинг хатти-харакатлари (харкатсизлиги) «Буюрмачи» томонидан шартномаация шартномаси бўйича шартнома мажбурятлари бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги хам кўриб чиқилади. «Бажарувчи» нинг айби билан шартномаация шартноманинг «Буюрмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарза бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутулмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қулланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлари ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожат килишга хаклидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил 05 апрел 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасига муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ.

8.1. Мазкур Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Самарқанд вилояти бўйича Ғазначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

8.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

IX. ФОРС-МАЖОР.

9.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгид бўладиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитда олдин олиб бўладиган вазиятлар (табиий оғатлар, нокулай об-ҳаво шароити, давлат тадбирлари, хокимят органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиб бузарликлар ва бошка табиий оғатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлади.

9.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлари фалоятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги Қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумикин.

10.2. Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шакилда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг хар бири учун бир нусхадан тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

XI. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«БАЖАРУВЧИ»	
Ташкилот номи: “Нарзитош Маматова”ХК	
Манзил: Тайлок туман Талли-ота к-к	
СТИР: 206106331	
ОКОНХ: 61110	
Х/Р: 20208000204482269001	
Банк номи: АТБ Кишлок Курилиш банк Самарканд ф-л	
МФО: 00287	
Рахбар: _____ Курбонов М. М.ў. (имзо)	

«БЮОРТМАЧИ»	
Тайлок туман Халқ таълим булими	
СТИР: 206940696	
ШХВ: 100022860182387092100075064	
Молия Вазирлиги Газначилиги	
хўр: 23402000300100001010	
Марказий банк Тошкент шахар бош бошкармаси	
МФО: 00014	
Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919	
Рахбар: _____ Хожикулов X М.ў. (имзо)	

Хукукшунос . Лицензия (диплом) № _____ берилган санаси:

Имзоланган сана:

2022 йил « 05 » апрел № 1-сонли шартноманинг 4-вараги